

ФАН ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ ФЕНОМИН СИФАТИДА**Ж.Рўзиев***Пайариқ тумани 82 – умумтаълим мактаби ўқитувчиси*

Аннотация. Мазкур мақолада ҳозирги замон фанларининг ўрганиш объекти мураккаблашиб бориши, мураккаб тизимлар намоён бўлиши, уларни илмий билишнинг методологик асослари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фан, объект, методологик онг, ақл, дунёқараш, субстанция.

Аннотация. В данной статье объект изучения современных наук усложняется, социально-философски анализируются возникновение сложных систем, методологические основы их научного познания.

Ключевые слова: наука, объект, методологическое сознание, разум, мировоззрение, субстанция.

Abstract. In this article, the object of study of contemporary sciences is becoming more complex, the emergence of complex systems, the methodological bases of their scientific knowledge are socio-philosophically analyzed.

Key words: Science, object, methodological consciousness, mind, outlook, substance.

Бугунги постмодерн социумда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жамиятнинг барча соҳалари – бўлмиш сиёсат, иқтисодиёт, фан, маданият тубдан ўзгараётган даврда яшамокдамиз. Инсоният борлиқнинг янги, номаълум қирраларини адекват инъикос этириши учун янги фалсафий йўналишлар ва уларга мувофиқ фалсафий тил вужудга келмоқда.

Ҳозирги замон методологик онг таркиби кўп қатламли ва хилма-хилдир. Фан доирасида унинг классик тимсолини бартараф этиш жараёнлари авж олиб бормоқда. Фан тимсоли янги парадигма, йўналишлар таъсирида ўзгармоқда. Ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ҳозирги замон фанларининг ўрганиш объекти борган сари мураккаблашиб бормоқда. Фан объектлари сифатида мураккаб тизимлар намоён булганда, уларни илмий билишнинг методологик асосини ҳам ўзгартирилиши тақозо этилади. Чунки, методология объектларни тадқиқ этишнинг назарияси сифатида ориентация вазифасини бажаради.

Ҳозирги вақтда фан аввало ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу фан жамиятда амал қилувчи ранг-баранг кучлар ва таъсирларга боғлиқ эканлиги, ижтимоий контекстда ўз устувор вазифаларини белгилаши, муросаи мадорага мойиллиги ва ўзи ҳам жамият ҳаётини сезиларли даражада белгилашини англатади. Шу тариқа икки хил боғланиш қайд этилади: фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида инсониятнинг дунё ҳақида ҳақиқий, аниқ билим олиш ва яратишга бўлган муайян эҳтиёжга жавоб тариқасида юзага келган ва ўз мавжудлик жараёнида жамият ҳаётининг барча жабҳалари ривожланишига анча кучли таъсир кўрсатади. Фан ижтимоий-маданий

ходиса сифатида қаралиши шу билан изоҳланадики, унинг асосларини ўрганиш тўғрисида сўз юритилган тақдирда бугунги кунда биз фан деб атайдиган ҳодисанинг чегараси «маданият» чегарасигача кенгаяди. Бошқа томондан, фан ўзининг дастлабки – фаолият ва технология сифатидаги талқинида маданиятнинг бирдан-бир барқарор ва «ҳақиқий» пойдевори ролига даъвогар бўлади.

Фанни олимлар ҳамжамияти ривожлантиради. Шу сабабли фан муайян ижтимоий ва касбий ташкилотга, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлади. Френсис Бэкон ўз даврида шундай деб қайд этган эди: «Фаннинг такомиллашувини бирон-бир одамнинг қобилияти ёки уддабуронлигидан эмас, балки бир-бирининг ўрнига келувчи кўплаб авлодларнинг изчил фаолиятдан кутиш лозим». Олим – доим у ёки бу ижтимоий-маданий муҳит вакили. Мавжуд илмий-ижодий имкониятларга бутун ижтимоий-маданий майдоннинг таъсири фан препаратининг «софлик» даражасини кўрсатади.

Фанда ҳақиқатни излаш, бинобарин, танқид, баҳс, мунозара ҳам қўллаб-қувватланади. Олим ўзининг касбий маҳоратини мақолалар, асарлар эълон қилиш, илмий давраларда маърузалар билан чиқиш, фанга доир малакавий талабларга жавоб бериш орқали муттасил тасдиқлайди ва кўпинча ўз оппонентлари-ҳамкасблари билан ҳам, жамоатчилик фикри билан ҳам мураккаб муносабатларга киришади. Олим фаолиятининг эътироф этилиши унга илмий даража ва унвонлар берилиши билан боғлиқ. Фанда энг нуфузли мукофот Нобель мукофоти ҳисобланади.

Фан инсон тафаккурининг юксак мевасидир. У ҳозирги давр глобал муаммоларини тўғри онглаш, ечиш, уларнинг хатарларидан сақланиш, борлиқнинг теран сирларини билиш, инсоният онгли фаолиятини янада юксакликка кўтарилиб бориши учун зарур. Лекин, планетамиз ҳаётидаги ҳозирги шароит фан кашф этган билимларни амалиётга қўллаш оқибатлари ва уларнинг ахлоқий қадриятлар билан узвийлашуви бўлмаса, унинг зарари фойдасидан анча катта бўлишини кўрсатди. Айни пайтда унинг инсон онги тараққиётининг энг олий марраси эмас, балки унинг чекланган эволюцион босқичи эканини кўрсатадиган жиддий ялпи инқирози кузатилмоқда. Уни шу инқироз ёқасига олиб келган кризисдан чиқариш борасида жиддий изланишлар олиб борилиши керак. Фаолият сифатида фан мақсадларни белгилаш, қарорлар қабул қилиш, йўл танлаш, ўз манфаатларини кўзлаш, масъулиятни тан олиш майдонида амал қилади. В.И.Вернадский фаннинг айнан фаолият сифатидаги талқинини алоҳида қайд этган эди: «Фаннинг мазмуни илмий назариялар, гипотезалар, моделлар, у яратувчи дунёнинг манзараси билан чекланмайди, унинг негизи асосан илмий омиллар ва уларнинг эмпирик хулосаларидан ташкил топади, тирик одамларнинг илмий иши унинг асосий жонли мазмунини ташкил этади»(1.236).

Фан ҳақидаги фан асосчиларидан бири Ж.Бернал фан тушунчасига амалда таъриф бериш мумкин эмаслигини қайд этиб, фаннинг моҳиятига яқинлашиш имконини берувчи йўлларни белгилайди. Шундай қилиб, фан:

- 1) институт;
- 2) метод;
- 3) илмий анъаналарнинг шаклланиши;
- 4) ишлаб чиқаришнинг ривожланиш омили;
- 5) эътиқодлар ва инсоннинг дунёга муносабатини шакллантирувчи энг кучли омил сифатида намоён бўлади(2.18).

«Америка этимологик луғати»да фанга «табiiй ҳодисаларни кузатиш, таснифлаш, тавсифлаш, тажрибада синаш ва назарий тушунтириш таомилларини кўрсатиш воситаси» деб таъриф берилган(3. №2). Бу таъриф асосан амалий хусусият касб этади.

Э.Агацци фан «объектлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг оддий мажмуи сифатида эмас, балки объектларнинг муайян соҳаси ҳақидаги назария сифатида» қаралиши лозимлигини қайд этади(4.12). Бу таърифда илмий ва оддий билимни фарқлашга даъво, фан объектни ўрганишни уни назарий таҳлил қилиш даражасига етказган тақдирдагина тўлақонли хусусият касб этишига ишора мавжуд.

Шундай қилиб, фан билан фақат фактлар мажмуини қайд этиш ва уларни тавсифлашни боғлаш мумкин эмас. Биз нарсалар ва ҳодисаларни тушунтириш ва уларни тахмин қилиш тамойилларини аниқлашга муваффақ бўлган тақдирдагина тўлақонли фанга эга бўламиз. Кўпгина олимлар маълум тамойиллар, соддалик мавжуд бўлмаса, фан ҳам мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Бу баҳсли фикр. Чунки фаннинг етуклиги нафақат соддалик ва аниқлик, балки теран назарий, концептуал даража билан ҳам белгиланади. Агар инсон мушоҳада юритишни эмас, балки унга барча фактлар тақдим этилишини хоҳлаётган бўлса, у фаннинг дастлабки босқичида эмас, балки бу босқичнинг нуқтаи назарида турган бўлади.

Фанни белгиловчи ижтимоий-психологик омиллар илмий тадқиқот контекстига тарихий ва ижтимоий онг ҳақидаги тасаввурларни, олимнинг шахси ва маънавий қиёфаси, билишнинг когнитив механизмлари ва унинг фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар ҳақидаги мулоҳазаларни киритишни тақозо этади. Улар фанни социологик ўрганиш мажбуриятини юклайди, чунки фан, ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида, ўз ривожланишининг нафақат ижобий, балки салбий оқибатлари билан ҳам тавсифланади. Файласуфлар фаннинг қўлланилиши ўзининг ахлоқий ва инсоний мазмуини йўқотишидан эҳтиёт бўлишга чақирадилар. Бу ҳолда фан қаттиқ танқид объектига айланади, олимлар фаолияти устидан назорат ўрнатиш муаммолари муҳим аҳамият касб этади.

Фан тараққиёти нима билан белгиланади, деган саволга жавоб излашда нафақат фан ва ишлаб чиқаришнинг муносабатларини, балки бошқа кўплаб омилларни ҳам қайд этиш лозим. Улар орасида институционал, интеллектуал, фалсафий, диний ва ҳатто эстетик омиллар бор. Шу сабабли саноат инқилоби, иқтисодий ўсиш ёки таназзул, барқарорлик ёки беқарорликнинг сиёсий омиллари ижтимоий онгнинг бошқа шакллари

тизимида фаннинг мавжудлигини кўп жиҳатдан белгиловчи омиллар сифатида тушунилиши лозим.

Ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида тушуниладиган фан цивилизация ривожланиш типини билан таққослашни назарда тутди. А.Тойнби тақлиф қилган таснифга кўра цивилизациянинг 21 типини фарқланади. Энг умумий ёндашув цивилизацияларнинг икки хили: анъанавий ва техноген цивилизацияларни ҳисобга олиб, умумий цивилизация фарқлашни тақлиф қилади. Техноген цивилизациялар XV-XVII асрларда Европа минтақасида техноген жамиятлар пайдо бўлиши муносабати билан юзага келган. Айрим анъанавий жамиятлар техноген жамиятларга қўшилиб кетган, айримлари эса, техноген ва анъанавий мўлжаллар ўртасида ривожланиб, аралаш хусусият касб этган.

Ҳозирги вақтда ижтимоий, техникавий ва табиий фанлардан ташқари фундаментал ва амалий, назарий ва экспериментал фанлар ҳам фарқланади. Бугунги кунда илмий йўналишлар ўзининг кенг ранг-баранглиги билан намоён бўлмоқда ва ихтисослашувни ҳисобга олиб, шунингдек турли фанлараро соҳаларда ривожланмоқда. Илмий билим ҳақиқатни онгли равишда излаш шакли сифатида жуда ранг-баранг бўлиб, бу ерда фактуал ва гипотетик, экспериментал ва назарий, таснифий ва концептуал, математик ва табиий илмий билимларни фарқлаш мумкин. Катта фан, фаннинг қатъий ўзаги, олд маррадаги фан тўғрисида сўз юритилади. Бироқ барча илмий билимлар маълум стандартларга мувофиқ ва аниқ заминга эга бўлиши лозим. Фанда фойдаланиладиган билиш меъёрлари ва воситалари сифатида одатда қуйидагилар қайд этилади:

- мазкур даврга хос бўлган ва ўрганилаётган соҳанинг хусусиятига татбиқан муайянлаштириладиган билиш меъёрлари ва идеаллари;
- дунёнинг илмий манзараси;
- фалсафий асослар(5.).

Айни вақтда, ривожланишнинг кумулятив модели математик билимлар учун ўринли ва самаралидир, зотан улар зиддиятсиз ўсиш ва кенгайишга интилади. Табиий илмий билимларнинг бутун мажмуи илмий инқилоблар таъсирини бошдан кечиради ва ривожланишнинг кумулятив модели – билимларни жамғариш ва жамғарилган билимларни сақлашга жавоб бера олмайди. Илмий инқилоблар натижасида дунёнинг манзараси тубдан ўзгаради. Мавжуд қонунлар ва тушунтириш моделлари рад этилади. Бу объективлик муаммосига зарба беради, кузатишни назарий жиҳатдан бойитиш масаласининг аҳамиятини оширади.

Рационализм ривожланишининг ҳозирги босқичида олимлар ва методологлар томонидан амалга оширилаётган кўп сонли тадқиқотлар илмийлик мезонларининг тўла рўйхатини тузиш мумкин эмас, деган хулосага олиб келмоқда. Бу фан тинимсиз тараққий этаётгани, узлуксиз ўзгараётгани ва ўзининг аввалги – классик ва ноклассик босқичларидан кўп жиҳатдан фарқ қилувчи янги, постноклассик босқичига ўтаётгани билан изоҳланади.

Эндиликда такрорланувчанлик ҳам унча зарур эмас, кузатувчисиз объективлик ҳам бўлиши мумкин эмас, системали таъсир эффектлари муносабати билан нарсанинг ўзи ҳам ҳар хил функционал ўзгаришларга кодир. Амалиёт ҳақида ҳақиқийлик мезони сифатида сўз ҳам юритилмайди. Фундаментал кашфиётлар қалам учида қилиниши, амалиёт ҳақиқийдик мезони сифатида қай даражада (билимларни асоссиз тахминлар билан аралаштириб юборишга имконият бермайдиган даражада) аниқ бўлса, шу даражада (инсон билимининг эришилган даражаси мутлақ хусусият касб этишига имконият бермайдиган даражада) ноаниқ ҳам эканлиги кўпдан бери маълум. Шунга қарамай, мезонларнинг бўш ўринларини тўлдириш учун *прогрессизм ёки нотривиаллик, ишончлилик, критицизм* каби янги тушунчаларга ишора қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Вернадский В.И. Проблема биохимии. – М., 1988. – 252-б.
2. Қаранг: Бернар Дж. Наука в истории общества. – М., 1956. – 18-б.
3. Холтон Дж. Что такое антинаука // Вопросы философии. 1992. №2.
4. Агацци Э. Моральное измерение науки и техники. – М., 1998. – 12-б.
5. Степан В.С. Идеалы и нормы в динамике научного поиска // Идеалы и нормы научного поиска. – Минск, 1981.
6. Меликова М. Н. РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ И ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ТУРИЗМА В ГОРОДАХ СРЕДНЕЙ АЗИИ // Innovative processes in economic, social and spiritual spheres of life of society. – 2018. – С. 15-17.
7. KHOLIKOV, Y. O. (2021). THE EDUCATION OF YOUNG PEOPLE ON THE BASIS OF A SPIRITUAL, MORAL AND TOLERANT CULTURE IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(2), 63-68.
8. Saydulloevich, Ulugmurodov Elyor. "ISLAMIC CULTURE: THE ESSENCE AND WAYS TO IMPROVE IT." *Academica Globe: Inderscience Research* 3.03 (2022): 208-212.
9. Улугмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ЦЕННОСТЕЙ ИСЛАМА В ФОРМИРОВАНИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ." *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ*. 2020.
10. Улугмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "Диний кадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг ёшлар эстетик тафаккурига таъсири." *Oriental Art and Culture* II (2020): 52-59.